

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ЭТИЛДИ. НАТИЖА ҚАНДАЙ?

◀1 Муддати кечиккан ва амалга оширилмаган лойиҳаларнинг ҳар бири бўйича ижрочи-лар билан муҳокамалар олиб бори-лди ҳамда мавжуд муаммоларни ечиш чоралари белгиланган, истиқ-болсиз деб баҳоланган лойиҳалар-ни янги лойиҳаларга алмаштиришга кўрсатмалар берилган.

Давлат бюджетни даромадларига тушулмалар тўлиқлигини таъминлаш ҳамда қўшимча захираликни сафар-бар этishi бўйича тизимли назорат ўрнатилиб, республика бўйича 2020 йил-да бюджетга 132,9 трлн. сўм солиқ тушу-млари жалб қилинди ва прогноз кўрсаткичлари 4,5 трлн. сўмга орти-ртириб бажарилган ва Давлат бюджетига 2019 йилдагига нисба-тан 20,7 трлн. сўм қўп солиқ тушу-млари жалб қилинган. 2018 йил до-мида солиқларни ҳисоблаш учун фой-даланилган 5 та давлат органи-нинг маълумотлар базаси ишончили-ги аудитдан ўтказилган.

Таъкидлаш керак, мазкур ўр-ган-ишларда соҳаларда замонавий ах-борот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали Давлат бюджетига бир

йилда қарийб 109,2 млрд. сўм қўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланган. Мажлиса депутатлар Ҳисоб па-латаси томонидан аниқланган ушбу камчиликлар, бюджет интизомини бузиш ҳолатлари ва молиявий қонун-бузарликларни бартараф этиш юза-сидан тегишли идоралар ва мута-садди раҳбарлар томонидан қўрил-ган чора-тадбирларни атрофлича муҳокама ва чуқур таҳлил қилиб, асосий эътиборни уларнинг келиб чиқиш сабабларига қаратди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси аниқ-ланган камчиликлар ва қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаб-ларини бартараф этиш масаласига вази-рлик, идора ва маҳаллий ҳоким-лик мутасадди раҳбарлари томони-дан принципиал ёндашилишмагани, бюджет маблағларидан фойдала-нишда ва бюджетлар ижросини таъ-минлашда масъулиятсизликка йўл қўйилаётганини депутатлар томони-дан алоҳида қайд этилди.

Муҳокамалар якунида билдирил-ган фикр ҳамда мулоҳазаларни ино-батга олган ҳолда қўмитанинг те-гишли қарор қабул қилди.

ҚВОТАЛАШ ТАРТИБИНИ КИРИТИШ ТАКЛИФИ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, давлат ҳамда жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мақоми янада оширишнинг муҳим масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаат-номаси ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб ташкил этилган маз-кур тадбирда қўмита ҳамда фрак-циялар аъзолари, журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йил-ларда давлат ва жамият бошқа-рувида, вази-рлик ва идораларда чуқур билим ҳамда малакага эга ташаббускор хотин-қизларга рах-барлик лавозимлари ишониб топширилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, аёлла-римиз ҳаётини муаммоларни, оила ва маҳалладаги ўтқир масалалар-ни, уларни бартараф этиш йўлла-рини, жамиятнинг томир уришини бошқалардан кўра яхшироқ била-ди. Улар ўзларининг меҳрибонли-ги, юксак масъулият туйғуси,

меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлаётир.

Бугунги кунда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки ҳали хотин-қизларни ўйлантриб келаяётган айрим муаммолар, уларнинг са-баблари тўлиқ бартараф этилган-ни йўқ.

— Хотин-қизларни ўйлантри-раётган энг асосий муаммолар-дан бири уларнинг бандлигини таъ-минлашдир, — дейди қўмита аъзоси Мавжуда Ҳасанова. — Муаммоларнинг қўли ҳам шу ма-салага боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда 1 миллион атрофи-да ишсиз аёл бор, бунга доимий иш ўрнига эга бўлмаган, масъу-ли ишларда банд аёллар қўшил-са, уларнинг сони 2-2,5 миллион-ни ташкил қилади. Оғир ижтимоий вазиятга тўшиб қолган ёлғиз

оналарни уй-жой билан таъмин-лаш масалалари ҳам бугунги кун-даги оғрикли муаммолардан би-ридир. Аммо қўллаб аёлларимиз мана шундай оғрикли дардларини кимга айтишни, қаерга муурожа-т қилишни, кимдан ёрдам олишни ҳар доим ҳам билвермайдми.

Ўртимизда аёлларга бўлган муносабат ўз тарихий илдизла-рига эга, аждоқларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нис-батан ҳурмат ва иззатда бўлиш-га даъват этишган. Республика-миз БМТнинг Хотин-қизларга нис-батан камситишларнинг барча шакллари-ни йўқ қилиш ҳақидаги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофа-за қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камси-тишлар тўғрисидаги конвенцияла-рига МДХ давлатлари орасидан биринчидар қаторида қўшилди.

Бу билан мамлакатимизда на-фақат мустақам ҳуқуқий замин, балки самарали институционал база ҳам шакллантирилди. Аёл-лар, оила масалалари парла-мент даражасида муҳокама қилинади-ган бўлди. Сенатда алоҳида

қўмита, Қонунчилик палатасида эса Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Гендер тенгликни таъ-минлаш бўйича республика ко-миссияси фаолият юритмоқда.

Давра суҳбатида хотин-қизлар масалалари билан шуғулланидиган, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлайдиган, чуқур таҳлил юритадиган яхлит тизим яратиб эҳтиёжи сезилаёт-гани муҳокама қилиниб, хотин-қиз-лар масалалари бўйича агентлик ташкил этиш масаласини ўйлаб қўриш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, барча даражадаги дав-лат ва жамоат ташкилотларида са-лоҳияти, билими, малакали аёл-ларимизни раҳбарлик вазифаси-га тайинлаш бўйича қвоталаш тар-тибини киритиш таклифи ҳам мақ-садга мувофиқ эканлиги айтилди.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар асосида қўмитанинг тегишли қаро-ри қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Сийсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди. Шу билан бирга, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб қилинди.

Фракцияларда

Лойиҳаларни амалга оширишда сусткашликларга йўл қўйилган

Тадбиркорлар ва ишбилармон-лар ҳаракати — Ўзбекистон Либе-рал-демократик партияси фрак-цияси йиғилишида қайд этилганидек, 2020 йилда Ҳисоб палатаси томонидан бюджет тизими бюджетларининг ва бел-гиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қону-нийлигини аудитдан ўтказиб, бу харажат-ларни барча даражада қисқартириш имко-ниятларини аниқлаш юзасидан 41 та на-зорат тадбири ўтказилган.

Инкирозга қарши курашиш жамғарма-сидан ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан Мо-лия вазирлиги билан ҳамкорликда доимий мониторинг ҳамда текширишлар олиб бо-рилган. Айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Биргина харидларни амалга оширишда ташкилот ва муассасалар томонидан қим-мат нархларда шартномадан тузилуши на-тижасида 34,6 миллиард сўм маблаг ор-тиқча сарфланган. Соғлиқни сақлаш тизими айрим муассасаларида қоронғавир ка-салигини доволлаш тўхтатилган бўлса-да, молиялаштириш ишлари тўхтатилмасдан 31,7 миллиард сўм жамғарма маблағлари бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Йиғилишда фракция аъзолари таҳлил-ларда 3,1 миллиард доллар микдоридagi давлат ташки қарз маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилган 24 та

лоийҳада муаммолар мавжудлигини айтиб, 16 лойиҳада белгиланган муддатлардан ке-чиқис, 5 лойиҳада ишларни якунига ет-казмаслик ҳамда 14 лойиҳанинг тўлиқ қув-ватда ишламаслик ҳолатлари мавжудлиги билан қизиқди.

Қайд этилишича, айрим масъул идора-лар Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вази-рлик-лари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томони-дан лойиҳалар ҳолати ҳамда самарадор-лик кўрсаткичларига эришилиши бўйича мониторинглар олиб борилмаган.

Музейлар ҳам тадбиркорлик билан шуғулланади

Ўзбекистон “Миллий тиклишни” демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатасининг 2020 йилги ҳисоботини қўриб чиқиш баробарида, “Му-зейлар тўғрисида”ги қонунга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ат-рофлича муҳокама қилди.

Қайд этилишича, лойиҳа музейлар да-ромад манбаларини қўпайтириш мақса-дида улар томонидан тадбиркорлик фаоли-ятини амалга ошириш, жумладан, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини белгиллаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Хусусан, музейлар ашёлар ҳамда му-зей коллекциялари хавфсизлигини таъмин-лаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти би-лан шуғулланишлари мумкинлиги тақлиф қилинмоқда ва ундан топилган маблаг Дав-лат бюджетни даромадларига олий қўйил-майд ҳамда у музейларнинг моддий-тех-ника базасини ривожлантиришга сарфла-

нади. Давлат музейларига бюджетдан аж-ратиладиган маблаг музейлар томонидан пулли хизматлар кўрсатишдан, жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан, чет элдан ихтиёрий хайриялар, қонун ҳужжат-ларида тақиқланмаган бошқа манбалар-дан маблағлар тушган тақрирда ҳам ка-майитрилмайд ҳамда у музейларнинг мо-дий-техника базасини ривожлантиришга сарфланади. Музейларга маданий мерос-нинг кўчмас мулк объектларидан фойда-ланишга устуворлик ҳуқуқи берилди.

Депутатлар ушбу қонунга киритилаёт-ган ўзгартишлар музейлар моддий-техник таъминотини янада яхшилашнинг эътироф этиб, лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Ажратилаётган маблағлар тақсимотида адолатни кафолатлаш зарур

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилиши видео-конференция тарзида бўлиб ўтди.

Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти муҳокамалар марказида бўлди.

Фракция аъзолари ҳисоботда пандемия даврида амалга оширилган назорат тад-бирлари жараёнида 2,8 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқлан-гани, бундан ташқари, ҳудудий мактабга таълим бўлимлари томонидан давлат мактабга таълим ташкилотлари ходим-ларига иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлашда 7,2 миллиард сўмлик хато-камчиликларга йўл қўйилганини танқид остига олди.

Шу билан бирга, педагог кадрларга бе-рилаётган ойлик маошларини ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйилган камчиликлар ҳам очик-ойдин айтиб ўтилди. Депутатлар шундоқ ҳам жойларда мактабга таълим муассасаларида олий маълумотли мута-хассислар, малакали педагоглар еттишмай турган бир пайтда уларнинг қонуний иш ҳақини тўлашда йўл қўйилган қонун бузи-лишларига нисбатан тегишли давлат таш-килотлари кескин муносабат билдириши лозимлигини баён қилди.

Фракция аъзолари Ҳисоб палатаси то-монидан ўрганишлар жараёнида аниқлан-ган камчиликларни бартараф этиш мақ-садида тегишли вази-рлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритиш тўғрисидаги тақлифлар тайёрлаш бўйича ишларни тизимли олиб бориш ло-зимлигини айтиб ўтди. Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларига дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари ҳамда ҳижолатлари сотиб олиш учун Давлат бюджетидан аж-ратилаётган маблағларнинг муассасалар ва ҳудудлар бўйича тақсимотида адолат принципларига тўла риоя этилиши зару-рлигига эътибор қаратилди.

Молия вазирлигига тақлиф берилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаоли-яти тўғрисида Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б. Туробов ахборот берди.

Фракция аъзолари маҳаллий бюджет-лар даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 2020 йилда 4,4 триллион сўм маблаг ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилгани ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий маса-лалар ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Пандемия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маб-лағларнинг нотўғри сарфланиши билан боғлиқ ҳолатларга ЎзДХП фракцияси аъзо-лари қатъий муносабат билдирди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг бандлиги бўйича ҳисоботларда Тошкент вилоятида 2 878 нафар фуқаро доимий, 4 909 нафа-ри мавсумий, Қашқадарё вилоятида 956 нафар фуқаро доимий, 5 843 нафари мавсумий иш билан таъминлангани келтирилган бўлса-да, шундан 442 на-фар фуқаронинг бандлиги таъминланган-лиги ўз тасдиқини топмаган, 72 нафар фуқаро эса янгида ишга жойлаштирил-ган, деб нотўғри кўрсатилган.

Депутатлар бу йўналишда парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича тизимли иш олиб бориш зарурлигини қайд этди.

Фракция аъзоси Шербек Бўронов Дав-лат бюджетни маблағларининг мақсадсиз ёки самарасиз ишлатилгани билан боғлиқ ҳолатлар ҳар йили қузатилаётгани, давлатнинг молиявий назорат тизимини такомиллаштириш зарурати юзага келга-нини таъкидлади. Молия вазирлигига “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қисқа муддатда ишлаб чиқиш таклифи билдирди.

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш — муҳим масала

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Рес-публикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз-нинг 78 фоз ер майдони сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган бўлиб, 6 ва ундан юқори баллиқ ер силкинишлари доимий равишда содир бўлиши қузатилади. Шу сабабли аҳоли ва ҳудуднинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, масъул давлат органларининг бу борадаги вако-латларини белгилаш ҳамда қучли зилзи-лаларга тайёргарлик қўриш, уларнинг оқибатларини бартараф этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бугунги кунда мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбир-лар қонунчиликда назарда тутилмаган, бу эса ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқи-лиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Фракция аъзолари лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳаз, тақлифларини билдириб ўтди. Фракциялар йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Шодиёр МУТАХАРОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ ҲАВАСЛАШТИРИЛДИ. ҲАВАСЛАШТИРИЛДИ. ҲАВАСЛАШТИРИЛДИ.

◀1 Бугунги кунда халқаро терроризм ва экстремизм ўзида сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, маънавий, ахлоқий ҳамда диний характердаги муаммоларни муассасалаштириш тобора мурак-каб ижтимоий-сиёсий ҳодисага ай-ланмоқда. Бу экстремизмининг фақат қуч воситалари, яъни маълум бир ғуруҳ фаолиятини тутатиш ёки улар-нинг “етакчи”ларини жавобгарликка тортишининг ўзи етарли эмаслигини кўрсатади. Замонавий шароитда экстремизмининг бартараф этиш, би-ринчи навбатда, унинг мафқуравига қарши курашни аниқлатади. Чунки экстремистик ғоялар ва мафқура-нинг тарқалиши оқибатида бундай ғуруҳлар сафи кенгайиб бормоқда.

Бунга сўнгги ўн йил ичида Ўзе-кистонда биронта ҳам террористик ҳаракат амалга оширилмаганига қарамай, мамлакат фуқароларининг Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги жан-говар ҳаракатлардаги иштироки ми-сол бўла олади. Шу билан бирга, келиб чиқishi Ўзбекистондаги бўлган шахсларнинг АҚШ, Швеция ва Тур-кияда террористик ҳаракатларни со-дир этиши ҳам бу муаммо ечимига нисбатан ёндашуви кайта қўриб чи-қиш, аҳоли орасида диний мутаас-сибликка қарши курашиш ҳамда про-филактика чоралар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратиш заруригини кўрсатади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг янги сиёсий йўна-лишида инсон ҳуқуқ ва эркинликла-рини ҳимоя қилиш, хавфсизлик, дин-лараро тотувлик ҳамда бағрикенг-ликини таъминлашга катта эътибор бермоқда. Ушбу йўналишдаги вази-фалар 2017 — 2021 йилларда Ўзе-кистон Республикасини ривожланти-ришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аниқ акс эттирилди.

Хусусан, экстремизмга қарши ку-рашиш борасидаги ёндашувлар кон-цептуал жиҳатдан ўзгарди. Бунда асосий эътибор экстремизмининг оқибатлари билан эмас, унинг са-баб ва омилларини бартараф этиш-га қаратилди. Мазкур жиҳатлар қўйидагиларда ўз асосини топди.

Биринчидан, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида зўравонлик мафқураси “вируси”

тарқалишининг олдини олиш вази-фасини қўйди. Хусусан, ёшларда ди-ний-ахлоқий онгни шакллантириш ва маърифат асосида уларни мафқура-вий тарбиялаш бу йўналишнинг асосий бўлишига айланди.

Мамлакатда диний таълимнинг беш босқичли тизими шакллантирил-ди. Тошкент ислом университети не-гизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Қалом, Ҳадис, Ақида, Ислон ҳуқуқи, Тасаввуф ил-мий мактабларининг диний-маъри-фий таълим муассасалари сифатида фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон-даги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ушбу муассасаларнинг асосий ва-зифаси сифатида ислом дини ме-росини ўрганиш ҳамда унга ҳос бўлган тинчлик, раҳм-шафқат ва бағрикенг-лик каби ҳақуқий қадриятларни кенг тартиб қилиш белгилла қўйилди.

Шунингдек, мазкур соҳада ўқитишнинг илмий-устуворий асосла-ри такомиллаштирилди. Унда Ўзе-кистон ҳудудида яшаб иқола қилган, ислом динининг инсонпарварлик қад-риятларини тарғиб этган буюк ило-ҳиётчиларнинг диний ва фалсафий асарларини чуқур фундаментал тад-қиқотлар асосида ўрганишга катта уруғ берилди.

Эътиборли жиҳати, мазкур жара-ёнда диний бағрикенгликни таъмин-лаш масалаларини ўрганиш нати-жалари асосида илмий тадқиқот иш-ларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказиш чоралари амалга оширилмоқда. Бун-да ислом маърифати ҳамда диний бағрикенглик аънааналарини мус-таҳкамлашга қаратилган ишларни қучайтириш кун тартибига чиқмоқда.

Шу билан бир қаторда, аҳоли-нинг, айниқса, ёшларнинг билим са-виясини ошириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Уларнинг таълим олиш имкониятлари кенгаймоқда ва таъ-лим сифати яхшиланоқда. Бу ҳам кенг билим ва юксак тафаккурга эга бўлган ёшлар таркибини шакл-лантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, сўнгги йилларда халқимизга ҳос инсонпарварлик ва кечирилмалик сиёсатини экстрем-истик ғояларга қарши йўналтириш-га қаратилган ишлар қўламини ке-нгайтириш борасида бир қатор та-

шаббўслар илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимизда экстремистик ғу-руҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар махсус ҳисобдан чиқарилди ва бундай рўйхатларни юритиш амалиётидан бутунлай воз кечилди. 2017 йилдан то бугунги кунгача экстремизм учун ҳуқм қилинган 4 минг нафардан ортиқ шахслар афс этилди.

Утган давр мубайнида инсонпар-варлик тамойилларини ҳуқуқий асо-лари мустаҳкамланди. Жумладан, 2018 йилнинг 19 сентябрида “Тер-рористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва ғуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқарола-рини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон экстремистик ғуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган, шу жумла-дан, Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дидан ташқарида бўлган, ўз қилиш-шининг қонунга ҳилофлигини аниқла-етган ва тузалми йўлига ўтган фуқ-ароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини беради.

Фармонга мувофиқ тузилган ко-миссия биргина ўтган йилнинг ўзида тақиқланган ташкилотлар тарқибига адашиб кириб қолган 40 нафар фуқарони жиноий жавобгарлиқдан озод этиш ҳақида тақдим қилинган му-урожаатларни қўриб чиқди.

Бундан қўзланган асосий мақсад — мазкур тоифадаги инсонлар ўзла-рини давлат ҳимояси ва ҳаммуҳли-и остида, тўлақонли фуқаролар сифа-тида ҳис қилиш учун шарт-шароит-лар яратишдан иборатдир. Бойси давлат ҳамда жамият учун хавфли ҳаражаси унча юқори бўлмаган фуқароларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш усулидан кенг фойдаланиш ўзининг ақс таъсирини бериб, уларни янада ғазаблантириш-га ҳамда давлатга қарши ҳаракат қилишга олий келиши мумкин.

Шунингдек, 2018 йилда “Экстре-мизмга қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қону-ни қабул қилинди. Унда мазкур со-ҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида экстремизм-нинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, жум-ладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш,

жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакл-лантириш, шу билан бирга, унинг юзага келишига имкон берувчи са-баблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш белгиланган.

Учинчидан, мамлакатда экстремизмининг келтириб чиқарувчи омил ва шарт-шароитларга қарши қаратилган ишларга катта эътибор берилмоқда. Бу борада икки хил йўналишда, яъни мафқуравий ҳамда амалий саъй-ҳаракатларни ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мафқуравий йўналиш-даги ишларга давлат ва ҳуқуқни му-ҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти инсти-тутилари ҳам жалб этилмоқда. Хусу-сан, Дин ишлари бўйича қўмита, Ички ишлар вази-рлиги ҳамда Ма-ҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вази-рлиги, Ўзбекистон ёшлар итти-фоқи билан биргаликда жамиятда виждон эркинлиги қафолатлари ҳамда диний-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича доимий ҳамкорликни назарда туту-вчи янги тизим асосида тегишли иш-лар ташкил этилган.

Янги тизим доирасидаги ҳамкор-лиқнинг устувор йўналишлари этиб: **1)** дин соҳасидаги давлат сиёсати-нинг асосий мақсади, вазиофат-ли ва принципларини кенг жамоатчи-ликка, давлат ҳамда жамоат ташки-лотлари раҳбар ва ходимларига тў-шуштириш, уларнинг фаолияти, та-шаббускорлигини ошириш; **2)** аҳоли-нинг, айниқса, ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривож-лантириш; **3)** оммавий ахборот во-ситалари, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларда тарқатилаёт-ган радикал ғояларга қарши мил-лий аънава ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилишини таъминлаш белгиланган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР

Маҳаллийлаштириш бўйича 7 та истиқболсиз лойиҳа 14 та янги лойиҳа билан алмаштирилди. Шунингдек, Сенат қарори билан вилоятда ижроси таъминланмай келган умумий қиймати 294,4 миллиард сўмлик 12 та лойиҳа ишга туширилишига эришилди. Маҳаллий бюджетдан мақсадли ва самарали фойдаланишда қонунбузарликка йўл қўйган 50 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, етказилган 1 миллиард сўмлик зарар ундирилди. Бюджетга эса 22 миллиард сўм миқдоридagi солиқ тўлинишига эришилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятдаги 380 та маҳалла ўз биносига эга эмас. Оҳангарон, Тошкент, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Чиноз туманларида инфратузилма тизими шаклланмаган. Бу аҳоли қайфиятига салбий таъсир ўтказмоқда.

Яна бир оғриқли нукта — бу маҳаллалардаги таъмирталб ички йўлларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ҳам кўнглидагидек эмас.

Тадбирда Тошкент, Қибрай, Чиноз, Қуйи Чирчиқ туманларидаги сектор раҳбарлари бугунги кун талаби даражасида ишламаётганилиги айтиб ўтилди. Ижтимоий муаммоларни маҳаллабай ҳал этиш тизими мазмун-моҳияти аҳолига тўлиқ етиб бормаган. Натижада эса аёлларнинг аксарияти “аёллар дафтари”нинг вазифаси ҳусусида етарлича тасаввурга эга эмас. Бу дафтарга ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир оилавий шароитда яшаётган хотин-қизлар киритилиши лозим бўлса-да, ўзига тўқ оилалар вакиллари ҳам шу рўйхатга тиркалган. Сабаби кимгадир уй-жой, кимгадир эса имтиёзли кредит зарур бўлган. Бу кўзбўйамчиликларни негадир сектор раҳбарлари илгामаётир ёки қуриб кўрмасликка оломқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизими фаолияти ҳам қоникарли эмас. Она ва бола саломатлигини асраш, соғлом аёлдан баркамол фарзанд дунёга келди, деган тамойилга амал қилинмапти. Ушбу соҳадagi мавжуд камчиликларни бартараф этишда тизим раҳбарияти масъулияти ҳис этилмайр.

Шунингдек, вилоят халқ таълими, МТМ, бандлик, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, “Агробанк” ва Халқ банкчининг ҳудудий бўлиmlари фаолиятини қайта қўриб чиқиш лозимлиги ҳам уқтирилди.

Айниқса, Чиноз туманида аҳоли муаммолари билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Таъмирталаб хонадонлар ва ижара уйларда яшаётган ва ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам қўрсатиш ўрнига уларнинг мурожаатлари четга сўриб қўйилмоқда.

Йиғилишда Сенат ички гуруҳи томонидан ўрганилган барча масалалар ечимини топиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

САВДО ДЎКОНИДА ПАНОХ ТОПГАН МФЙ, «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН БАДАВЛАТ ХОТИН...

НИШОН ТУМАНИДАГИ АЙРИМ ОҒРИҚЛИ ҲОЛАТЛАР ҲАҚИДА.

Маҳалла Ватан ичра кимки бир Ватан. Унинг гуллаб-яшнаши ва раванк топилишдан ҳаммаимиз манфаатдоримиз. Чунки қайси касб ёки лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, ҳар биримиз маҳаллада истиқомат қиламиз. Маҳалланинг кўркамлиги ва ободлигига ҳисса қўлиш эса шарафли бурчлардан.

24 март куни Президентимиз раислигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган дастурлар доирасида маҳаллаларда қурилиш ва ободончилик учун етарли миқдорда маблағ ажратилаётгани, ундан самарали фойдаланишда халоллик, ҳақманиятлик ва фидойилик қўрсатиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Аччиқ, аммо очик гаплар

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан маҳаллаларни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар бисёр, аммо маҳаллаларни бошқараётган раҳбар қадрлар салоҳияти, маънавий дунёқароши, фидойилиги ва куюнчакили бугунги кун талабига мосми? Нишон тумани маҳаллалари фаолияти билан танишганимизда шу саволларга жавоб топгандай бўлди...

Дастлаб ўзим гувоҳ бўлган воқеа ҳусусида тўхталиб ўтсам.

На иш жойида, на маҳаллада топишининг илоҳи бўлмаган раҳбар — Нишон тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Шохиди Хўжақуловани тасодифан бир тадбирда учратиб қолдим.

Кўнғироқ қилиб, тополмаганимни айтганимда, у ҳар кун ўртача 174 та телефон кўнғирого бўлишини, ҳаммасига жавоб бериш мушкуллигини билдирди. Демак, бу кўнғироқларни аҳолининг раҳбарга мурожаатлари деб қабул қилмас, ўринли бўлади. Улар ҳам мен каби раҳбарни тола олмагач, кўнғироқ қилиши аниқ ва... улар ҳам худди мен каби боғлана олмайдим.

Буллар, балки оғоҳлик кўнғирогидир. Ўзим ҳам Нишон туманидаги баъзи маҳаллаларда бўлиб, муаммоларга дуч келганимни билимли, салоҳиятли ва иқтидорли бўлиши учун қандай ҳисса қўша олади?

Олимларнинг тадқиқотларишга кўра, камбағалликни қисқартиришнинг бош омили аҳоли ўртасида маънавиятни юксалтириш билан боғлиқ экан...

Муталоага вақт тополмаётган раис

Айнан шу масала борасида тумандаги “Гулзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Тўраевнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Китоб ўқиш дейсизми? Шу маҳалладаги юмушларнинг ўзи китоб ўқишдан гап, — дейди раис саволимдан ажабланиб. — Ахир, бош қашшига ҳам вақт йўқ бўлса...

— Маҳалла идорасини кўрдим, ахвол мактангулик эмас, поллари яқин орада бўёқ кўрмаган, тўшалган гилам эскилигидан титилиб кетибди, меbellарнинг “ичи” тўқилиб кетган, деворлари яқин орада оҳақ кўрмаган... Хуллас, сал эътибор қаратсангиз бўлмайдими? — Ўша гиламни ўзим олиб келганман, ҳарна йўқдан кўра, дедим.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

демократик қадриятларни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида битта мақсад, яъни инсонпарвар демократик жамият қуриш нияти муҳассам, десак, асло муболага эмас. Шубҳасиз, демократик жараёнларнинг энг муҳим кўринишларидан бири — сайловлардир. Бу жараёнда фуқароларнинг хоҳиш-истағи, эркинлиги, ихтиёрийлиги амалда ўз ифодасини топади.

Мушоҳада

Ёдингизда бўлса, 2019 йил декабрь ойда давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайловларда фуқароларнинг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситалари ва бошқа иштирокчиларнинг сиёсий фаоллиги яққол сезилиб турди. Бу кампания “Янги Ўзбекистон — Янги сайловлар” шiori остида ташкил этилганлигининг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради. Айтиш жоизки, сайловларни қузатиш максасида 10 га яқин халқаро ташкилотлардан, 50 га яқин хорижий мамлакатлардан қарийб 825 нафар қузатувчилар иштирок этди ва яқунда ўзларининг ҳолис ижобий баҳосини берди.

Улар томонидан, айниқса, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, хусусан, янги Сайлов кодексининг қабул қилингани, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча депутатликка номзодлари фуқароларнинг бевосита, тўғридан-тўғри овоз бериши орқали шакллантирилгани, маҳалла институтининг алоҳида қузатувчи макомига эга бўлгани, ижтимоий хавфга қатта бўлмаган жиноят содир этган шахсларнинг илк бор сайловларда бевосита қатнашиши, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилгани катта мамнуният билан эътироф этилди. Қолаверса,

сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар ҳам билдирди.

Табиийки, ўтган даврда сайлов қонунчилигини замон талаби асосида янада қучайтириш чоралари қўрилаётир. Бу борада Юртбошимизнинг 2020 йил декабрь ойда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида билдирилган фикр ва ғоялар дастуриламал бўлмоқда. Жумладан, унда ўтган сайловларда халқаро қузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ қилиш ишларини изчил давом эттирамиз, деб алоҳида урғу берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 8 февралда “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг имзолангани бу борадаги ишларнинг мантиқий давомии бўлди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига тегишли ўзгариш киритилди. Яъни мамлакатимизда жорий йилда бўлиб ўтадиган Президент сайлови декабрь ойда ҳамас, октябрь ойда бўлиши белгилан бўлди.

Хўш, сайлов вақтининг ўзгариштирилишига нима сабаб бўлди?

Аввало, бу борада, хорижий тажриба ҳисобга олинганини айтиш зарур. Масалан, қўллаб қувватларда Президент сайлови баҳор ёки куз ойларда бўлиб ўтади (Франция, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Бразилия, Аргентина ва бошқа давлатлар). Аёнки, декабрь ойда совуқ тутиши туфайли иситиш, ёритиш, йўл хизматлари қўрсатилишида базми қийинчиликлар юзасга келаётганди. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, декабрда фуқароларнинг сиёсий фаоллашувидаги сусайишлар қузатилади. Қолаверса, мамлакатимизга сайлов жараёнини қузатишга келувчи хорижий меҳмонларда жараёнини охириги палласигача тўлиқ қузатиш имконии бўлмайди. Бунн 2019 йил ўтган парламент сайловлари ҳам қузатибди. Негаки, қатор давлатларда декабрда “Рождество” байрами бўлиб ўтади.

Шунингдек, кейинги йил учун қабул қилинадиган Давлат дастурининг, парламентга йўлланадиган Мурожаатнома ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг янги йилга ўтиб кетиши ҳамда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида назорат қилиш имконияти пасайиб кетгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шу ҳолатлар, энг асосийси, аҳолига кўпроқ қулайлик яратиш максасида мазкур ўзгаришлар амалга оширилди десак, айни ҳақиқатдир.

Айни чоғда мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига ҳам бир нечта ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини айтиб ўтиш зарур. Шу ўринда, ана шу ангиликларнинг айирмалари ҳусусида тўхталамиз.

Масалан, халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мустасно) Кенгаши-

га сайлов ўтказиш бўйича оқруғ сайлов комиссиялари тузилмайдиган бўлди. Негаки, илгари туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи оқруғ сайлов комиссиялари таркибида баъзан бор-йўғи иккита, учта сайлов участкаси бўлар эди. Бу эса ортиқча сарф-харажатга, қўшимча меҳнат, такрорларга сабабчи бўларди. Эндиликда туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ўзи бу вазифаларни бажаради, улар аъзоларининг сонии ўн бир нафардан йигирма бир нафаргача қилиб белгилан бўлиди.

Муҳим ангилликлардан яна бири — участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги талаби мамлакатнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, шифохоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамқода сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссияларига татбиқ этилмаслигидир.

Умуман, бундай ангилликларни яна давом эттириш мумкин. Асосийси, уларнинг барчаси, пировадига миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш орқали юртимизда демократик қадриятларни қарор топтириш ҳамда сайлов иштирокчилари ва аҳолига қатор қулайликлар яратишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Мирзаосиф РҮСТАМБОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи, полковник.

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАБАЙ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов Сурхондарё вилоятининг Денов, Ўзун ҳамда Саросиё туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича маҳаллабай тизимда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, шунингдек, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида ушбу ҳудудларда бўлди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Учрашувларда олис қишлоқларда газ ва электр энергияси таъминоти, хусусан, аҳоли пунктларида эски трансформаторларни алмаштириш, оқова сув масаласи, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда таълим, тиббиёт тизимларидаги муаммолар атрофлича муҳокима этилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам иштирок этган тадбирларда жойларда турмуш шароити оғир, кам таъминланган оила вакилларининг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш йўналишидаги ишларни янада қучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди. Сенатор мазкур масалаларни туманлар кесимида ўрганиб, уларни бартараф этиш учун маблағ ажратиш, тегишли мутахассисларни жалб қилиш борасида мутасаддиларга топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Жамоатчилик вакиллари ҳамда фаоллар билан учрашувларда яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселекторда маҳаллий ва ҳудудий Кенгашлар депутатлари ҳамда сенаторлар олдига қўйилган муҳим вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш бўйича Давлат бюджетидан ажратилаётган маб-

лағлар сарфи устидан қатъий жамоатчилик назоратини ташкил қилиш масалалари ҳам муҳокима этилди. “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг муаммоларини хонадонбай ҳал этиш, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари ва “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳасини ҳаётга кенг татбиқ этиш, шу орқали жамиятга ёшлар ролини ошириш, уларни иш билан таъминлашда маҳаллабай асосда ишлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги айтилди.

Сенатор Абдуғани Сангинов Денов туманидаги 77, Саросиё туманидаги 7, 68, 80-умумий ўрта таълим мактабларидаги шароитлар, ўқув ва ҳужалик биноларининг ҳолатини ҳам ўрганибди. Мутасаддилар билан бу борада аниқланган мавжуд камчилик ва муаммоларга ижобий ечим топиш йўллари муҳокама этилди.

Сенат аъзосининг фуқаролар билан учрашувларида қишлоқларда ички йўлларни таъмирлаш, янги мактаб биноси қуриш, спорт мажмуаси барпо этиш билан боғлиқ масалаларда ҳам амалий ёрдам сўраб мурожаатлар бўлди.

«Халқ сўзи».

«ИННОПРОМ»: МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ, ЎЗАРО МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов, Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Роман Скляр, Беларусь Республикаси саноат вазири Пётр Пархомчик ва бошқалар мазкур ну-

қтада жуда катта ишлар бажарилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Россия компаниялари иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ташкил этилган ушбу кўргазмада Россиянинг 300 компания ва корхонаси ўз махсулотларини намоиш қилмоқда.

«Ўзэкспомарказ»да иштирокчи



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат.

фузли халқаро кўргазма мамлакатлар ва компаниялар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, саноатни ривожлантириш ва қўшма корхоналар ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этишيني таъкидлади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда энг қулай сармовий муҳитни яратишга устувор аҳамият қарилмоқда. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодийни либераллаштириш, мутлақо янги инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодийни янада интеграциялашга қаратилган қўллаб-ишлар амалга оширилди.

Бош вазир ўринбосари Сардор Умурзоқов қайд этганидек, мамлакатимизда бизнесга солиқ юки камайтирилиб, инвесторлар учун қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилди. Ўз навбатида, ташқи савдо режимиини либераллаштириш бўйича ишлар олиб бориламоқда. Хусусан, қўллаб турдиги махсулотларга олиб қириладиган божхона тўловлари ва акциз солиқлари сезиларли даражада қамайтирилди ёки бутунлай бекор қилинди. Импорт бўйича барча миқдорий чекловлар ҳам бекор қилинди.

Аҳамиятли жиҳати, 2010 йилдан Россиянинг Екатеринбург шаҳрида анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур халқаро саноат кўргазмаси мамлакатимизда илк бор ташкил этилмоқда. Унда 20 давлатдан 1 минг 100 дан ортиқ корхоналар ўз махсулотларини намоиш этмоқда.

Тошкентда ушбу йирик тадбири ўтказиш тасодиф эмас, чунки Ўзбекистон бошқа давлатлар ва ҳамкорлар учун ўз имкониятларини кенгайтирмоқда, — деди Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров. — Мамла-

корхоналарнинг машинасозлик, металлургия, энергетика, ахборот технологиялари, фармацевтика ва тиббиёт соҳаларида эришган утуқлари тақдим этилган.

— Бугунги халқаро кўргазмада уюшма таркибидаги 70 дан ортиқ корхоналар қатнашмоқда, — деди “Ўзқарсаноат” уюшмаси бошқарма бошлиғи Шухрат Алиев. — Спорт, мўйна, шунингдек, жундан тайёрланган махсулотларга кўргазма иштирокчиларининг қизиқиши ортмоқда. Ўйлаيمанки, бу ерда ҳам келишувларга эришамиз. Биз 20 йилдан буён россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Яқинда Россияда бўлиб ўтган кўргазмада ҳам ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамладик.

Бундай сайё-харакатлар махсулотларимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

— Кўргазмада коронавирусга қарши профилактика ва даволаш бўйича ишланмаларимизни тақдим этаймиз, — деди Беларусь Миллий академиясини Физиология институти илмий котиби Маргарита Досина. — Бу кислоруд-гелийли аралашмаси ва ниқобли кондиционер каби ишланмалардир. Кислоруд-гелийли аралашма нафас олишда ёрдам беради. Аралашманинг 30 фоизи кислоруд ва 70 фоизи гелийдан иборат. Шифокор ва хирургларнинг “қизил худудлар”да доимий ниқоб тақиб юришда айна шу ниқобли кондиционер ишланмалар фойда беради. Бундан қатъи, бўйин учун мулкаланган кондиционерли ускуна, қўл телефонларини зарарсизлантирадиган махсус ишланмалар ҳам шулар жумласидандир.

«Иннопром» халқаро саноат кўргазмаси 7 апрелга қадар ўз ишини давом эттиради.

Насоба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Бадий академияси ва Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳайкалтарош, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби **Яков ШАПІРОНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихзор этади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6